

Баҳром НОМАЗОВ

Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти

СОЛИҚ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ ТАДҚИҚИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашувининг ҳозирги босқичида солиқ тизими модернизациясининг мазмуни, зарурлиги ва аҳамияти, йўналишлари тавсифи, ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари давлатнинг солиқ сиёсати концептуал асосларининг тезкор тадбирлари нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ тизими, солиқлар тизими, солиқ тизими ислоҳи, солиқ тизими модернизацияси, солиққа тортиш, солиққа тортиш тамойиллари.

PRIORITY TASKS OF TAX SYSTEM MODERNIZATION RESEARCH

Abstract: The content, necessity and importance of modernization of the tax system at the current stage of economic liberalization in the Republic of Uzbekistan, description of directions, current features and problems are considered from the point of view of rapid measures of the conceptual foundations of the state's tax policy.

Key words: tax, tax system, tax system, tax system reform, tax system modernization, taxation, principles of taxation.

Кириш

Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашда солиқ тизими фаол иштирокини таъминлаш, фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ маъмуриятчилигининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур масала 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Ўзбекистон Президенти Фармонида алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 320-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон Қарори ва у асосида «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси» каби меъёрий ҳужжатлар айнан солиқ тизими модернизацияси концептуал асосларини такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Шунинг учун бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг, солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари билан бир қаторда жаҳон солиқ амалиётининг самарали солиққа тортиш моделларига, етакчи брендларига оид амалий масалаларини концептуал асосларини алоҳида бир йўналиши сифатида солиқ ҳам комплекс ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1]да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» белгиланган. Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш[2]» муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда солиқ тизими модернизацияси концептуал асосларини такомиллаштириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур илмий мақола мавзусининг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда “солиқ тизими” тушунчасининг таърифи умумий тарзда берилган, бироқ солиқ тизими модернизацияси мазмуни, янги талаблари, муаммолари ва уларни такомиллаштириш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий

адабиётда “солиқ тизими модернизацияси” мазмунини ифодалашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин.

Умуман, солиққа тортиш амалиётига оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишларида “солиқ тизими модернизацияси” мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий адабиётларда “солиқ тизими модернизацияси” мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар*

Т/р	“Солиқ тизими модернизацияси” зарурлиги ва мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
1.	Солиқ тизими трансформацияси солиқ тизими модернизациясини ўз ичига оладиган тушунча. Солиқ тизими модернизацияси – солиққа тортиш амалиётининг замон талабларига биноан такомиллашувини англатади. Бунда, амалдаги солиқ турлари мавжудлиги мезонлари, солиққа тортиш механизми шартлари, солиқ муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг ижроси масалалари муҳим зарурият ҳисобланади.	Кириенко А.П.	Трансформация налоговой системы в условиях усиления взаимодействия с предпринимательской средой: теория и практика. Авт. дисс.на соиск.уч. степ. д.э.н., Иркутск, 2015,-36с.
2.	Солиқ тизими модернизацияси – мамлакат солиқ тизими фаолиятининг замон талабларига мослашувчанлигидир. Унинг таркибий қисмларида солиқларни режалаштириш тизими муҳим ўрин эгаллайди.	Писарева А.С.	Модернизация системы налогового планирования в Российской экономике. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.к.э.н., Орел,2010,-24с.
3	Солиқ тизими модернизацияси – солиқ маъмуриятчилиги фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни талаб қилади.	Гойгереев К.К.	Модернизация налогового администрирования в посткризисной экономике РФ. Авт.дисс.на соиск. уч. степ. к.э.н., Орел, 2011,-24с.
4	Солиқ тизими модернизацияси – давлат солиқ сиёсатининг ижтимоий йўналтирилган тадбирларининг босқичма-босқич амалга оширилишини назарда	Скакунова А.А.	Модернизация государственной налоговой политики в социально-ориентированной налоговой системе. Авт. дисс.на соиск.

	тугади..		уч.степ.к.э.н., Орел,2012,-24с.
5	Солиқ тизими модернизацияси – барча солиқ турлари бўйича солиқ маъмуриятчилиги самарали восита ва усулларида фойдаланиш ҳисобига солиқ хизматидан кутилаётган аолиятини фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни талаб қилади.	Артиков Н.А.	Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Т.: 2022.-576.
6	Солиқ тизими модернизацияси - “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” орқали мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари ва бюджет даромадларини барқарор шакллантиришга эришишдир.	Ибрагимов Б.Б.	Солиқ маъмуриятчилиги: муаммо ва ечимлар. Моногр.Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2022. 226 б.

*Адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

Маълумки, модернизация, модернизациялаш (франц. *moderne* - энг янги, замонавий) - бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартиришни англатади. Илмий адабиётларда “модернизация” тушунчасига турли таърифлар берилади, унинг имманент хусусиятлари ва ижтимоий тараққиётдаги ўрни ёритилади. Европа олимлари, мутахассислари модернизациянинг илмий-техник ва иқтисодий тараққиётга оид жиҳатларини очиқ беришга эътибор беришади. Европа тараққиёти илмий-техник кашфиётлар, янгиликлар орқали рўй бераётгани боис улар муаммонинг шу томонига катта эътибор қаратадилар. Кейинги пайтларда бундай ёндашув ривожланиш йўлига кирган ва модернизацияни стратегик мақсад қилиб олган давлатларда ҳам кўзга ташланади. Демак, модернизация ва инновация глобал хусусиятга эга воқеликка айланиб бормоқда. Инсониятнинг келгуси тақдири, иқтисодий ва халқаро интеграция ана шу воқеликлар асосида кечмоқда.

Мазкур мулоҳазаларни умумлаштириш асосида “*солиқ тизими модернизацияси*” тушунчасининг мазмунини солиқлар, солиққа тортиш, солиқ тизимига оид мавжуд, ёхуд амалдаги шарт-шароит ва ҳолатларни

замон талаблари асосида такомиллаштирилишига оид давлат тадбирлари мажмуи сифатида талқин этиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий фанда солиққа тортишнинг асосий институционал тушунчаларидан бири - “солиқ тизими” тушунчасининг ягона хусусияти ҳалигача мавжуд эмас. Шу билан бирга, илмий адабиётларда “солиқ тизими”, “солиқ тизими”, “солиқ солиш” каби атамалар кўп қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш масалаларини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳам “солиқ тизими” тушунчасининг маъносини очиб бермайди.

Солиқлар айтилиш вақтида иқтисодиётга таъсир кўрсатиш молиявий-иқтисодий тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим унсурларидан бири сифатида чиқади. Шунинг айтиш жоизки, мамлакат солиқ тизимини яратиш орқали давлат ундан маълум молиявий сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилади. Натижада нисбатан мустақил йўналиш – солиқ сиёсати юзага келади.

Солиқ сиёсати давлат, жамият алоҳида ижтимоий гуруҳлари молиявий эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобига мамлакат иқти- содиётини ривожлантириш мақсадида мамлакат солиқ тизимини шакллантириш бўйича давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий чора-тадбирлари мажмуини ўзида мужассамлаштиради. Бу фаолиятида давлат солиқларга хос вазифаларга таянади ва бу вазифалардан фаол солиқ сиёсати олиб боришда фойдаланади.

Инсон фаолиятининг ўзига хос соҳаси сифатида солиқ сиёсати жамият бошқарув тизими тоифасига киради. У ва жамият иқтисодий базиси орасида узвий ўзаро алоқа мавжуд. Бир томондан, солиқ сиёсати иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ вужудга келади, жамият молиявий сиёсатининг таркибий қисми сифатида сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришдан ҳоли эмас, сиёсат эса иқтисодиёт билан белгиланади. Бошқа томондан, иқтисодий базис асосида вужудга келган ва ривожланган солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида маълум мустақилликка эга бўлади: унинг ўзига хос қонунлари ва ривожланиш мантиғи амал қилади. Шу туфайли у иқтисодиёт, молиявий ҳолатга турлича йўналишда таъсир кўрсатиши мумкин: бир ҳолатда сиёсий тадбирларни олиб бориш орқали иқтисодиётни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилади, бошқаларида эса у тўхтаб қолади.

Солиқ сиёсати соҳасидаги қарор аниқ вариантини танлашга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– ишлаб чиқаришнинг ўсиш (пасайиш) суръатлари билан тавсифланадиган мамла- катдаги умумий иқтисодий вазият;

– инфляция даражаси;

– давлатнинг пул-кредит сиёсати.

Солиқ сиёсатининг мақсади қатор омиллар таъсирида шаклланиб, улардан энг муҳими мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий вазият, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг ҳолати ҳисобланади. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар қуйидаги муҳим мақсадларга эришиш учун солиқ сиёсатини амалга оширмоқдалар:

– хўжалик фаолиятини рағбатлантириш ёки чеклашга қаратилган иқтисодиётни тартибга солишда ҳамда ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда давлатнинг иштирок этиши;

– барча ҳокимият даражаларида иқтисодий ва ижтимоий сиёсат олиб бориш ҳамда тегишли ҳокимият ва бошқарув органларига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун етарли молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

– даромадларни тартибга солиш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш.

Солиқ сиёсатини шакллантириш асосида иккита ўзаро боғлиқ услубий шарт-шароит ётади:

– турли даражалардаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш ва давлат бюджет вазифаларини ҳал қилиш учун солиқ тўловларидан фойдаланиш;

– иқтисодий фаолиятни билвосита тартибга солиш усули сифатида солиқ воситасини қўллаш.

Ушбу тамойилларни амалга ошириш бўйича амалий фаолият охир-оқибат мамлакатнинг асосий муаммоси бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Солиқ сиёсатини амалга ошириш усуллари бу сиёсатни олиб бориш орқали давлат эришишга уринаётган мақсадларга боғлиқдир. Ҳозирги замон жаҳон амалиётида қуйидаги усуллар кўпроқ тарқалган:

а) солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкламасини ўзгартириш;

б) солиққа тортиш бир шакл ёки усуллари бошқаси билан алмаштириш;

в) у ёки бу солиқларнинг тарқалиш соҳаси ёки бутун солиққа тортиш тизимини ўзгартириш;

г) солиқ имтиёзлари ва преференцияларини киритиш ёки бекор қилиш;

д) солиқ ставкаларининг табақалашган тизимини киритиш.

Солиқ сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг


иштирок этиши солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқ базаси ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Бунда давлат ҳам бевосита, ҳам билвосита солиқ воситаларидан фойдаланади.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланиш орқали тўлиқ ёки қисман солиқлардан озод қилиш орқали рағбатлантириш ва тартибга солиш жараёнларига бевосита таъсирга хос мисол ҳисобланади. Алоҳида солиқ тўловларидан тўла озод қилиш одатда давлат томонидан иқтисодиёт янги тармоқлари ёки фаолият соҳаларини ривожлантириш, мамлакатнинг кам ўзлаштирилган ёки ноқулай минтақаларига инвестиция киритишни рағбатлантириш учун қўлланилиб, фойда ёки даромад уларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бундай солиқлардан, асосан, уч-беш йилга озод қилиш имтиёзи берилади.

Тўлиқ солиқдан озод қилишдан фарқ қилиб, қисман солиқдан озод қилиш тадбиркорлик даромадининг маълум қисми учун солиқ имтиёзлари тизимини ўзида мужассамлаштиради. Бу эса иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг танлаб олиниши ва эгилувчанлигини таъминлайди. Хусусан, бундай вазиятда жадаллашган амортизация, умумий қоидаларга қарши вақт бўйича камайтирилган ёки табақалаштирилган солиқ ставкаси, солиқ тўловини чўзиш ва кечиктириш, солиққа тортишдан ҳоли турли захира, инвестицион ва бошқа фондлар ҳамда бошқа солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг аниқ турларини яратиш сингари иқтисодий, молиявий ва солиқ дастакларидан фойдаланилади.

Даромадларни тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси солиқ ставкаси ҳисобланади. Уни ўзгартириш орқали давлат бутун солиқ қонунчилигини ўзгартирмаган ҳолда фақат белгиланган ставкани тузатиб, солиқ орқали тартибга солишни амалга ошириши мумкин. Алоҳида минтақаларда, алоҳида тармоқ ва корхоналар, айрим солиқ тўловчи тоифалар учун солиқ сиёсати ўтказишда солиқ ставкаларини табақалаштириш ҳисобига катта самарага эришилади. Солиқ ставкаси молиявий қонунчиликнинг ҳаракатчанлигини таъминлайди, давлатга даромадларни тартибга солиш сиёсатида устувор йўналишларни ўзгартиришни тез ва самарали амалга ошириш имкониятини беради.

Иерархия тамойилига кўра, солиқ тизимини қуйидаги схема шаклида ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Солиқ тизимининг таркиби¹

¹ Муаллиф ишланмаси.


Бинобарин, солиқ тизимининг иерархик тузилиши унинг кўплаб таркибий қисмларининг мавжудлиги билан тасдиқланади. Тизимли ёндашувга кўра, солиқ тизими мураккаб ижтимоий тизимларга киради.

Солиқ солиқ тизимининг ажралмас қисми бўлиб, иерархик зинапояда иккинчи бўғинни ифодалайди (2-расм).



2-расм. "Солиқ" қуйи тизимининг иерархияси²

Аммо ривожланишнинг тарихийлик жиҳатидан солиқ бирламчи ҳисобланади. Солиқ мавжуд бўлмаса, солиқ тизими ва унинг фаолияти билан боғлиқ жараёнларга эга бўлиш мумкин эмас. Келинг, уларнинг ривожланиши ва ўзаро таъсирини схематик тарзда кўриб чиқайлик (3-расм).



3-расм. Солиққа алоқадор тушунчалар ривожланиши ва ўзаро таъсир қилиш схемаси³

Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига

² Муаллиф ишланмаси.

³ Муаллиф ишланмаси.

мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир. Бугунги Амалдаги Солиқ кодексининг 16-моддасида белгиланганидек, **солиқ** деганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий бегараз тўлов тушунилади. **Солиққа тортиш** эса амалдаги солиқ қонунчилиги асосида солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга солиқ ҳисоблаш ва тўловларни амалга оширилишини таъминлаш тадбирлари мажмуидир. **Солиқ сиёсати** бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир қисми бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 149-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона **солиқ тизими** амал қилади. Солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ тизими давлатнинг самарали солиқ сиёсатини юритилишида асосий мезони ҳисобланади.

Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона эканлиги белгиланган.

Хулоса

1. Солиқ тизими модернизациясининг асосий масаласи - Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқларнинг рағбатлантириш функцияси самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқишдан иборат.

2. Солиқ тизими модернизацияси тадқиқининг устувор вазифалари таркибида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш лозим:

-солиқ тизими модернизацияси: зарурлиги, мазмуни, генезиси ва ҳозирги замон шароитидаги трансформациясини тадқиқ этиш;

-солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари ва шартларини ёритиш;

-солиқ тизими модернизацияси самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини ўрганиш;

-ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими модернизациясининг ривожланиш қонуниятлари, ундаги тизимли муаммолар ва уларни ҳал қилишга оид давлат тадбирлари таҳлилини амалга ошириш;

-солиқ тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашга методик ёндошувлар, самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

-солиқли даромадлар ижроси омилларини иктисодий моделлаштириш ва солиқ тизими самарадорлигининг интеграл кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

-Янги Ўзбекистон солиқ тизимини модернизациялаш концепциясининг илмий-услубий жиҳатларини асослаш;

-солиқ тизими фаолияти самарали моделини шакллантириш истиқболларини илмий асослаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3.Кириенко А.П. Трансформация налоговой системы в условиях усиления взаимодействия с предпринимательской средой: теория и практика. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.д.э.н., Иркутск, 2015,-36с.

4.Писарева А.С. Модернизация системы налогового планирования в Российской экономике. Авт. дисс. на соиск. уч.степ.к.э.н., Орел, 2010,-24с.

5.Гойгереев К.К. Модернизация налогового администрирования в посткризисной экономике РФ. Авт. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н., Орел, 2011,-24с.

6.Скакунова А.А. Модернизация государственной налоговой политики в социально-ориентированной налоговой системе. Авт. дисс. на соиск. уч.степ.к.э.н., Орел, 2012,-24с.